

Ўзбекистон Республикаси номидан

х у к м

2026 йил февраль ойининг 09 куни, жиноят ишлари бўйича Ҳазорасп туман суди, Ҳазорасп туман ИИБ 5-сон ҳуқуқ-тартибот маскани биносиди, сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи шу суднинг раиси Х.Сапаев, судья ёрдамчиси Х.Кутлимуратовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Ҳазорасп туман прокурорининг ёрдамчиси Н.Аскарлов, фуқаровий даъвогар К.Худайберганаова, судланувчилар Х.Йўлдошев, Ш.Бабажанов ва уларнинг ҳимоячиси-адвокат Ф.Абдуллаевнинг иштирокида, судланувчилар Йўлдошев Хурматжон Шухрат ўғли ва Бабажанов Шухрат Йўлдашевичга нисбатан бўлган 1-2208-2501/196-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб,

Иш ҳужжатларига кўра:

Йўлдошев Хурматжон Шухрат ўғли (Yo`ldoshev Xurmatjon Shuxrat o`g`li) 2003 йил 24 декабрда Хоразм вилояти, Ҳазорасп туманида туғилган, миллати ўзбек, маълумоти ўрта, Ўзбекистон фуқароси, бўйдоқ, муқаддам судланмаган, Ҳазорасп тумани, “Буюк сиймо” маҳалласи, Шодлик кўчаси, 74-уйда яшовчи, иш бўйича 2025 йил 09 декабрь куни ушланган, 2025 йил 11 декабрь куни “камолқ олиш” эҳтиёт чораси қўлланиб, шу куни эҳтиёт чораси “таров” эҳтиёт чорасига алмаштирилган, айблов ҳулосаси нусхасини 2025 йил 17 декабрда олган,

Бабажанов Шухрат Йўлдашевич (Babajanov Shuxrat Yo`ldashevich) 1980 йил 01 мартда Хоразм вилояти, Ҳазорасп туманида туғилган, миллати ўзбек, маълумоти ўрта, Ўзбекистон фуқароси, оилали 3 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, Ҳазорасп тумани, “Буюк сиймо” маҳалласи, Шодлик кўчаси, 74-уйда яшовчи, иш бўйича 2025 йил 09 декабрда “Муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини 2025 йил 17 декабрда олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбланганлар.

Суд, судланувчилар, фуқаровий даъвогар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини эшитиб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ишда мавжуд далилларга баҳо бериб, тарафларнинг музокара нутқлари ва судланувчининг охириги сўзини тинглаб, муҳокама қилиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Йўлдошев Хурматжон Шухрат ўғли ва Бабажанов Шухрат Йўлдашевич фойдали меҳнат билан шуғулланмасдан, олдиндан жиноий тил бириктириб,



бир гуруҳ бўлиб, ўзганинг мол-мулкини алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан кўлга киритиш мақсадида, 2022 йил 16 август куни, 1980 йил 26 мартда Ҳазорасп туманида туғилган Худайберганова Каромат Курбанбаевнанинг яшаш хонадонига келиб, унга бошқа вилоятдан арзон нархда ип маҳсулотлари харид қилаётганлигини айтиб алдаб, унга ҳам бир ой ичида арзон нархда, яъни 7,5 тонна ип маҳсулотларини 164.500.000 сўмга олдириб беришларини ваъда қилиш орқали ишончига кириб, унинг 157.700.000 сўм пулларини олиб, К.Худайбергановага ип маҳсулотларини олиб келиб бермасдан ва пулларини ҳам қайтармасдан, ушбу пулларни ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб, К.Худайбергановага кўп миқдордаги яни 157.700.000 сўм моддий зарар етказган.

Судланувчи Х.Йўлдошев суд муҳокамасида айбига қисман иқрорлик билдириб, ҳақиқатдан ҳам 2022 йилдан бошлаб отаси Ш.Бабажанов билан бирга “Ҳазорасп универсал савдо комплекси” АЖда ип маҳсулотлари сотиш билан шуғулланиб келаётгани, фуқаровий даъвогар Худайберганова Каромат Курбанбаевна ҳам ушбу бозорда ип сотганлиги сабабли уни ҳам шу даврлардан танишини, Шермат исмли қариндоши К.Худайбергановани таништиргани, К.Худайберганова уларга ип маҳсулотларини солиб бериш учун қарзга беришини, мазкур ипларни сотиб бўлгандан сўнг пулларини бериб келишини, сотилган товарлар бўйича ҳисоб-китобларни шахсан юритиб, ўз дафтарига қайд қилиб боргани, К.Худайберганова ҳам худди шундай тарзда ўз дафтарида ўзаро олди-бердиларни юритгани бир маротаба энг кўпи билан 28–29 миллион сўмлик ип маҳсулотини олиб, уларни тахминан бир ой ичида сотиб, пулларини бериб келгани, улар ўртасида ҳеч қачон олинган товарлар ва берилган пуллар бўйича тўлиқ, якуний ҳисоб-китоб қилинмагани, ҳар доим сотилмасдан қолган айрим товарлар бўлгани, К.Худайбергановага ҳеч қачон олдиндан пул бериб товар буюртма қилмагани, аксинча, ҳар доим товарни қарзга олиб, сотилганидан кейин пулларини бериб келгани, кейинчалик унинг савдо ишлари юришмай қолиб, К.Худайбергановадан олган айрим товарлари сотилмасдан қолгани, шу муносабат билан ўзаро ҳисоб-китоб қилиб олишни таклиф қилгани, бироқ К.Худайберганова бу масалани кейинроқ ҳал қилишни айтгани, 2023 йил бошида ўзаро ҳисоб-китоб қилинганида, К.Худайберганова уни 120.000.000 (бир юз йигирма миллион) сўм қарздор деб чиқаргани, ушбу қарзни тўлиқ бергунига қадар ҳар ой 6.000.000 (олти миллион) сўм миқдорида пеня тўлаб бориши бўйича айтгани, ушбу қарздорликни қоплаш мақсадида яна К.Худайбергановадан товар олиб, уни сотиш орқали олдинги қарзга ҳисобланган пеня ва олинган товарлар пулини ҳам тўлаб келгани, ҳатто уйдаги қорамолларни сотиб, мазкур ҳисоб-китобларга сарфлагани, бироқ, 2024 йил январь ойига келиб, ҳар ойлик 6.000.000 сўмлик пеняни тўлай олмасдан қолгани сабабли, К.Худайберганова пеня миқдорини 7.000.000 (етти миллион) сўмга оширгани, шундан кейин пеня тўловларини ўз вақтида беролмагани учун ҳозирда К.Худайберганова уни 157.700.000 (бир юз эллик етти миллион етти юз минг) сўм қарздор қилиб қўйгани, К.Худайбергановага бир неча маротаба пул берган бўлса-да, ушбу маблағлар асосий 120.000.000



сўмлик қарздан камайтирилмасдан, фақат ҳар ойлик пеня ҳисобига ўтказиб борилгани, 2022 йил 16 август куни К.Худайберганованинг уйига отаси Ш.Бабажанов билан пул сўраб бармагани, ундан шу куни 157.700.000 сўм олмагани, К.Худайберганованинг яшаш уйини қаерда жойлашгани билишини, 2024 йилда бир ойлик харбий хизматга кетгани, шу патда К.Худайбергановага телефон қилиб қарзга пул сўрагани, унга тахминан 2.000.000 сўм пулларни у пластик картага ташлаб бергани, хизматдан келганидан сўнг ушбу пуллари қарз дафтаридаги асосий қарзларга қўшиб қўйгани, К.Худайбергановадан 157.700.000 сўм қарзи борлиги тўғрисида ўз қўли билан савдо дўконида тилхат ёзиб бергани, тилхатни шунчаки имзоламагани, К.Худайберганова туман ИИБга қилаган мурожаати юзасидан ИИБ тезкор ходими М.Шакиров 2024 йил 18 сентябрь куни уларни чақиргани, шу вақтида 75.000.000 сўм пулни ҳар ой 5.000.000 сўмдан қайтариб бериш бўйича тилхат ёзиб бергани, бошқа келишув бўлмагани, шундан сўнг октябрь ойида К.Худайбергановага 5.000.000 сўм бермоқчи бўлганида пулни олгани тўғрисида тилхат ёзиб бермаслигини айтгани учун пулларни бермагани, ҳозирда етказилган зарарни қопланганлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, унинг оилавий шароитини инобатга олиб, енгиллик беришни сўради.

Судланувчи Ш.Бабажанов суд муҳокамасида айбига қисман иқдорлик билдириб, ҳақиқатдан ҳам 2022 йилдан бошлаб ўғли Х.Йўлдошев билан бирга “Ҳазорасп универсал савдо комплекси” АЖда ип маҳсулотлари сотиш билан шуғулланиб келаётгани, фуқаровий даъвогар К.Худайберганова ҳам ушбу бозорда ип сотганлиги сабабли уни ҳам шу даврлардан танишини, Шермат исмли қариндоши К.Худайбергановани таништиргани, К.Худайберганова уларга ип маҳсулотларини солиб бериш учун қарзга бериб тураришини, мазкур ипларни сотиб бўлгандан сўнг пулларини бериб келишини, Шермат билан бирга бир неча маротаба К.Худайберганованинг уйига пул бериш мақсадида боргани, бироқ ичкарига кирмагани, ўзи ва ўғли К.Худайберганованинг яшаш хонадонига бориб, ундан пул олмаганликларини, К.Худайберганова билан барча олди-берди муносабатлари фақат Х.Йўлдошев амалга оширилгани, ушбу ҳисоб-китоблардан ўзи хабардор бўлмагани, Х.Йўлдошев К.Худайберганова билан ўзаро ип маҳсулотлари бўйича олди-берди қилгани, барча ҳисоб-китобларни дафтарида қайд этилгани ва ҳозирги кунда улар ўртасида қарздорлик қолмагани, аксинча К.Худайберганова ўғлидан қарзи борлигини, тергов давомида К.Худайбергановага жами 75.000.000 (етмиш беш миллион) сўм пул берилгани, жами ҳисобда К.Худайбергановага 194.000.000 (бир юз тўқсон тўрт миллион) сўм пул тўланган бўлиб, ушбу маблағлар ип маҳсулотлари учун ҳамда фойда ва фоизлар эвазига берилгани, К.Худайберганова туман ИИБга қилаган мурожаати юзасидан ИИБ тезкор ходими М.Шакиров 2024 йил 18 сентябрь куни уларни чақиргани, шу вақтида 75.000.000 сўм пулни ҳар ой 5.000.000 сўмдан қайтариб бериш бўйича ўғли тилхат ёзиб бергани, бошқа келишув бўлмагани, шундан сўнг октябрь ойида К.Худайбергановага 5.000.000 сўм бермоқчи бўлганида пулни



олгани тўғрисида тилхат ёзиб бермаслигини айтгани учун пуллар бермагани, ҳозирда етказилган жабрланувчи зарарни қопланганлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, унинг оилавий шароитини инобатга олиб, енгиллик беришни сўради.

Фукаровий даъвогар К.Худайберганова суд муҳокамасида, ҳақиқатдан ҳам анча йиллардан буён “Ҳазорасп универсал савдо комплекси” АЖда ип маҳсулотлари сотиш билан шуғулланиб келаётгани, 2012–2023 йиллар давомида турли хилдаги ип маҳсулотларини кўп миқдорда сотиб олиб, уларни тумандаги кийим бозорида чакана савдо қилувчи шахсларга қайта сотиш орқали фойда олиб келгани, Шермат исмли тадбиркор орқали унинг қариндошлари Ҳазорасп тумани, “Мухомон” қишлоғида яшовчи Ш.Бобожанов ва унинг ўғли Х.Йўлдошев билан 2022 йилда танишгани, улар ҳам кийим бозорида ип маҳсулотлари савдоси билан шуғулланишини, Шермат ундан олган таварларини пулини бериш учун бир неча бор уйига судланувчи Ш.Бобожанов билан келгани, Шерматга доим ишонгани, олган таварлари пуллари ўз вақтида бериб келгани, 2022 йил 16 август куни тахминан соат 14:00 ларда, яшаш уйида дугонаси Авезова Насиба ҳамда қариндоши Аллаберганова Умида билан бирга ўтирган вақтида, судланувчилар Ш.Бобожанов ва унинг ўғли Х.Йўлдошев уйига келиб, ип етказиб берувчи диллер билан 20 тонна ип бўйича келишув бўлгани, ип арзон нархда тушаётгани, ўзлари пули йўқлигини айтишгани, шунда ўзи ҳам ип олмоқчи бўлиб тургани, улар айтган нархи арзонлиги сабабли уларни таклифига рози бўлгани, лекин ўзида 10 тонна ип олишга яни 157.700.000 сўм пули борлиги айтганида судланувчилар пулларни беришини айтишгани, шундан сўнг, уйида қора рангли целлофан пакетларда сақлаб қўйилган пулларни чиқариб, пулларни дугонаси ва судланувчилар билан бирга санагани, пулларни санаш жараёнида қариндоши У.Аллаберганова чой олиб келгани, пулларни озгина у ҳам санашгани, 157.700.000 сўм пуллар тўлиқ санокдан ўтказиб, Ш.Бобожанов ва Х.Йўлдошев бергани, шу вақтда ушбу пул эвазига 10–15 кун ичида ип маҳсулотларини олиб келиб беришни ваъда қилиб келишгани, бироқ белгиланган муддатда ҳам, ундан кейин ҳам ип маҳсулотлари олиб келишмагани, бир неча маротаба ипни олиб келишни ёки пулни қайтаришни талаб қилганида, турли баҳоналарни келтириб, уни алдаб келгани, Ш.Бобожанов қизини ўқишга киритиш учун бошқа шахсга пул бериб қўйгани, лекин ушбу шахс қочиб кетгани, шу сабабли пулларни қайтариб бера олмаётгани унга айтгани, кейинчалик ип нархи ошиб кетгани баҳона қилиб, нарх тушиши билан ип берилишини айтишгани, 2024 йил февраль ойида Ш.Бобожановга кўнғироқ қилиб, пулларини талаб қилганида, у агар бозордаги дўконига келиб пул сўраладиган бўлса, умуман пул бермаслигини, пул олганлиги бўйича гувоҳ йўқлигини, нотариал тартибда расмийлаштирилмагани, пулни ўғли Ҳурмат олгани айтиб, масъулиятдан қочишга урингани, шундан сўнг Х.Йўлдошев билан гаплашганида, отасининг гапларига парво қилмасликни, пуллар қайтарилишига ваъда бергани, бироқ ҳозирги кунга қадар на пуллар, на ип маҳсулотлари қайтариб бермагани, судланувчилар унга “ариза ёзсанг пул бермаймиз, Россияга кетиб қоламиз”



деган таҳдидлар айтилгани, 2024 йил август ойида Ҳ.Йўлдошев уни уйини таъмирлашни бошлашга ундаб, таъмир бошланганидан кейин пулларни бериб боришини, бир ой ичида тўлиқ ҳисоб-китоб қилинишини айтгани, унга ишониб таъмирни бошлагани, бироқ 2024 йил сентябрь ойида ҳам пул берилмагани, 2024 йил 1 сентябрь куни кийим бозорида жойлашган 45В-сонли дўконда, Ҳ.Йўлдошев шахсан ўзи 157.700.000 сўм қарздорлигини тан олгани, аризани қайтариб олса ҳар ой 10.000.000 сўмдан тўлаб боришини айтгани, ушбу ҳолат дўкондаги видеокамера ёзувларида акс этгани, Ҳ.Йўлдошев 2024 йилда бир ойлик харбий хизматга кетгани, шу патга ҳам унга телефон қилиб қарзга пул сўрагани, унинг илтимосига асосан 2.000.000 сўм пулларни Ҳ.Йўлдошев айтган пластик картага ташлаб бергани, ушбу пуллари дафтаридаги асосий қарзларга қўшиб қўйгани, Ҳ.Йўлдошев 157.700.000 сўм қарзи борлиги тўғрисида ўз қўли билан савдо дўқонида тилхат ёзиб бергани, бироқ савдо дўқонига Самарқандли савдогарлар келганли учун тилхатни кейин имзолайман деб унга бергани, кейин имзолаб бермагани, шундан сўнг Ҳазорасп туман ИИБ бошлиғи номига ариза билан мурожаат қилгани, ИИБ тезкор ходими М.Шакиров аризадаги ҳолатлар юзасидан уни ва судланувчиларни чақиргани, шу вақтида Ҳ.Йўлдошев ва Ш.Бабажановлар ундан 157.700.000 сўм қарз олгани, бироқ пуллари қайтариб беришга ҳозир пули йўқлигини айтиб, 75.000.000 сўм пулни ҳар ой 5.000.000 сўмдан қайтариб бериш бўйича Ҳ.Йўлдошев тилхат ёзиб бергани, қолган пулларни Ш.Бобожанов иккита қорамолини сотиб бир ҳафтада қайтаришга ваъда бергани учун рози бўлгани, шу сабабли қолган пулларга тилхат олмагани, ушбу ҳолат бўйича Ш.Бабажановнинг турмуш ўртоғи ва онаси билан суҳбат қилгани, суҳбат жараёнида аризани қайтари олса пуллари тўлаб беришлари бўйича айтишгани, телефон сўзлашувларни ёзиб олгани, ҳозирги кунда жиноят натижасида етказилган зарар тўлиқ қопланганини билдириб, судланувчиларга нисбатан даъвоси йўқлиги ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ Н.Авезова суд муҳокамасида, ҳақиқатдан ҳам якка тартибда анча йиллардан буён “Ҳазорасп универсал савдо комплекси” АЖда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келишини, К.Худайберганонови кўп йиллардан бери танишини, улар ўртасида олдиндан шахсий адоват ёки келишмовчиликлар бўлмагани, аксинча, яқин дугона бўлганликлари сабабли доимий равишда борди-келди қилиб турганликларини, 2022 йил август ойининг ўрталари дугонаси К.Худайберганоვнинг яшаш уйига гаплашиб ўтириш мақсадида боргани, орадан бироз вақт ўтиб, К.Худайберганоვнинг қариндоши Умида ҳам келгани, учовлари уйнинг меҳмонхона қисмида ўтириб гаплашиб турган вақтда, К.Худайберганоვнинг уйига унга олдиндан нотаниш бўлган, кейинчалик билишича бозорда ип маҳсулотлари олди-сотдиси билан шуғулланувчи Бобожанов Шухрат ва унинг ўғли Йўлдошев Ҳурмат исмли шахслар келгани, К.Худайберганова ушбу шахслар билан уйнинг даҳлиз қисмида гаплашгани, бироқ нима ҳақида гаплашгани билмаслигини, бироз вақт ўтгач, К.Худайберганова уни ва қариндоши Умидани чақириб, икки дона қора рангли целофан пакетдаги пулларни



санашда ёрдам беришларини сўрагани, шундан сўнг, уйнинг дахлиз қисмида ўзи, Каромат, судланувчилар ва ҳамда Умида бешовлари томонидан қора рангли целофан пакетлардаги пуллар бирма-бир санаб чиқишгани, шу орқа Умида чой олиб келишга чиқиб-кириб юргани, пуллар санаб чиқилганидан сўнг, К.Худайберганова ҳамда Ш.Бобожанов ва унинг ўғли Ҳ.Йўлдошев томонидан пул миқдори 150.000.000 сўмдан ортиқ эканлигини, судланувчилар Кароматга арзон баҳода ип олиб келиб беришини айтиб пулларни олиб кетишгани, кейинчалик эшитиб билишича, Ш.Бобожанов ва Х.Йўлдошевлар берилган пулларни ёки ушбу пуллар эвазига олиниши лозим бўлган ип маҳсулотларини К.Худайбергановага олиб бермасдан юргани, Шухрат ва Ҳурмат уни кредит олиб бериш, катта партида ип келаётгани айтиб, алдаб келаётганликлари тўғрисида дугонасидан эшитгани ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ У.Аллаберганова суд муҳокамасида, ҳақиқатдан ҳам К.Худайберганова турмуш ўртоғининг холаси бўлгани сабабли, келин бўлиб тушган кунларидан буён яхши танишини, улар ўртасида олдиндан шахсий адоват ёки келишмовчиликлар бўлмагани, аксинча, муносабатлари яхши бўлгани сабабли доимий равишда борди-келди қилиб турганликларини, 2022 йил август ойининг ўрталаридан К.Худайберганоვанинг яшаш уйига гаплашиб ўтириш мақсадида боргани, ушбу вақтда уйда К.Худайберганоვанинг дугонаси Н.Авезова ҳам бўлгани, уччаласи уйнинг меҳмонхона қисмида ўтириб гаплашиб турган вақтда, уйига унга олдиндан нотаниш бўлган, кейинчалик билишича бозорда ип маҳсулотлари олди-сотдиси билан шуғулланувчи Ш.Бобожанов ва унинг ўғли Ҳ.Йўлдошев исмли шахслар келгани, К.Худайберганова ушбу шахслар билан уйнинг дахлиз қисмида гаплашгани, ип олиш учун пул сўраб келганлигини, пул берса арзон нархда ип олиб келиб берамиз деб айтишгани эшитгани, орадан биров вақт ўтгач, К.Худайберганова уни ва дугонаси Н.Авезовани чақириб, икки дона қора рангли целофан пакетдаги пулларни санашда ёрдам беришларини сўрагани, шундан сўнг, уйнинг дахлиз қисмида судланувчилар билан бирга пулларни санашни бошлашгани, шу вақтда чой қўйиб қўйганли учун ошхонага чиқиб кетгани, кейин 150.000.000 сўмдан ортиқ пулларни судланувчилар қора рангли целофан пакетларга солиб олиб кетишгани, кейин улар яна уйнинг меҳмонхона қисмига ўтишганида, К.Худайберганова арзон нархда катта миқдорда ип маҳсулотлари сотиб олиш мақсадида ушбу пулларни бериб юборгани айтгани, кейинчалик эшитиб билишича, судланувчилар шу кунни олган пулларини ёки ип маҳсулотларини К.Худайберганова бермасдан келишаётгани ҳақида кўрсатув берди.

Қўшимча гувоҳ М.Шокиров суд муҳокамасида, ҳақиқатдан ҳам Ҳазорасп туман ИИБ ТКХ ЖКБ катта тезкор вакили бўлиб ишлаган вақтида, К.Худайберганоვанинг аризаси асосида дастлабки суриштирув ҳаракатларини олиб боргани, К.Худайберганова ўз аризасида Ш.Бабажанов ва унинг ўғли Х.Йўлдошевдан 150.000.000 сўм пул маблағларини ундириб беришни сўрагани, мазкур ариза юзасидан К.Худайберганова, Ш.Бабажанов ҳамда Х.Йўлдошев хизмат хонасига чақирилиб, улар билан суҳбат



ўтказилгани, суҳбатдан сўнг ушбу шахслар кўчага чиқиб, ўзаро келишувга эришган ҳолда қайта кириб келишгани, шу вақтда Х.Йўлдошев 75.000.000 сўм пулни ҳар ой 5.000.000 сўмдан бўлиб-бўлиб тўлаб бориш мажбуриятини олган ҳолда тилхат ёзиб бергани, Ш.Бабажанов эса қолган 75.000.000 сўм пулни ҳам тўлаб беришини айтгани ҳақида кўрсатув берди.

Суд, давлат айбловчисининг хулосасини, химоячи-адвокати фикрини, судланувчи, фуқаровий даъвогар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини эшитиб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, судланувчилар Х.Йўлдошев, Ш.Бабажановнинг суд мажлиси жараёнида аниқланган ҳолатлардаги жиноий айби, ўзининг айбига қисман иқрорлик билдириб берган кўрсатуvidан ташқари, судда муҳокама қилинган гувоҳларнинг кўрсатувлари, ариза, билдирги, 2025 йил 04 декабрь куни ўтказилган юзлаштириш тергов ҳаракати баённомалари, нарсани ашёвий далил деб топиш ва ҳужжатларни ёзма далил деб топиш қарори ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан исботланган деб топади.

Суд, судланувчилар Х.Йўлдошев ва Ш.Бабажановнинг суд муҳокамасида берган кўрсатмаларини, шунингдек, иш бўйича сўрок қилинган фуқаровий даъвогар ва гувоҳларнинг кўрсатмаларини ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолисона таҳлил қилиб, судланувчилар томонидан фуқаровий даъвогардан пул маблағларини олинмагани, ўзаро олди-берди муносабатлари тўлиқ ҳисоб-китоб қилингани ҳамда фуқаровий даъвогар К.Худайберганова томонидан кўрсатилган ҳолатлар ҳақиқатга тўғри келмаслиги ҳақидаги баёнотлари, фуқаровий даъвогар ва гувоҳларнинг ўзаро мос, изчил ва иш материаллари билан уйғун кўрсатмалари ва ишда мавжуд тилхатлар, видеоёзувлар ҳамда судланувчиларнинг кўрсатмаларини ўз айбини енгиллаштириш, жавобгарликдан қочиш ва судни чалғитиш мақсадида берилган, ишончсиз баёнотлар деб баҳолаб, уларни рад этади.

Суд, судланувчи Х.Йўлдошев ва Ш.Бабажановларнинг жиноий ҳаракатларини юридик квалификациясини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан олдиндан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, фирибгарлик, яъни алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг кўп миқдорда пул маблағларини қўлга киритишда ифодаланган ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд судланувчи Х.Йўлдошев ва Ш.Бабажановларга нисбатан жазо тайинлашда амалдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Қонун талаблари ва Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленуми томонидан берилган тушунтиришларга қатъий амал қилишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19-моддаси 1-қисмида “Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига биноан ҳамда ушбу Конституцияга мувофиқ эътироф этилади ва кафолатланади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлади”, - деб;



26-моддасининг 1-қисмида эса “Инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсиздир. Ҳеч нарса уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмас”, - деб;

30-моддасининг 1-қисмида “Ҳеч ким расмий эълон қилинмаган қонун асосида ҳукм қилиниши, жазога тортилиши, мол-мулкидан ёки бирон-бир ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас”, - деб қайд этилган.

54-моддасида “Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мақсадидир. Давлат инсон ҳамда фуқаронинг Конституция ва қонунларда мустақамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди, - деб;

55-моддасининг 3-қисмида “Ҳар кимга бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш учун унинг иши қонунда белгиланган муддатларда ваколатли, мустақил ҳамда холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқи кафолатланади”, - деб қайд этилган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасига кўра, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши керак.

Шу Кодекснинг 8-моддасига биноан, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 3-бандида, Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши, 5-бандида, судлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган, шунингдек унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган ва жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатилиши мумкин бўлган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинлаш учун қонунда мавжуд барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланишлари кераклиги ҳақида раҳбарий тушунтириш берилган.

Шунингдек, ЖКнинг 168-моддаси 5-қисмида, етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазо қўлланилмаслиги, худди шунингдек, Олий суд Пленумининг 2004 йил 21 майдаги “Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақидаги” қарорининг 9-бандида, Жиноят кодекси махсус қисмининг қатор моддалари нормаларида муайян шарт мавжуд бўлиб, унга кўра, ЖКнинг 168-моддасида назарда тутилган жиноятлар учун жиноят оқибатида етказилган моддий зарар қопланган



тақдирда маҳкумга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликни чеклаш тариқасидаги жазонинг қўлланилиши истисно этилиши белгиланган.

Суд, юқоридан қайд этилган Қонун ва Пленум қарори талабларига мувофиқ судланувчи Х.Йўлдошевга нисбатан жазо тайинлашда, ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши лозим деб ҳисоблаб, Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг тушунтиришига риоя қилиб, унинг шахсини, муқаддам судланмаганлигини, оилавий ва моддий аҳволини, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, айб шакли ва даражасини, жиноят содир этилиш пайтидаги ва содир этилганидан кейинги ижобий хулқ-атворини, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблашни, ЖКнинг 56-моддасида кўрсатилган жазони оғирлаштирувчи ҳолат мавжуд эмас деб ҳисоблаб, етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлигини инобатга олиб, айбли деб топилган модда санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, ЖКнинг 62-моддаси тартибида, судланувчи 2025 йил 9 декабрь кунидан 2025 йил 11 декабрь куни қамоқда сақланган жами 3 кун муддатининг ҳар бир куни ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг уч кунига тенглаштириб, тайинланган жазодан чегириб жазо тайинлашни, жазони ўташ муддатини маҳкум жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблашни, жазонинг ижросини доимий яшаш жойидаги ички ишлар бўлими Пробация гуруҳи зиммасига юклатишни ҳамда судланувчи ўз зиммасига олган мажбуриятларини бузмаганлиги сабабли унинг “гаров” эҳтиёт чораси учун қўйилган пул маблағларини гаровга қўювчига қайтаришни лозим топади.

Суд, юқоридан қайд этилган Қонун ва Пленум қарори талабларига мувофиқ судланувчи Ш.Бабажановга нисбатан жазо тайинлашда, ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши лозим деб ҳисоблаб, Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг тушунтиришига риоя қилиб, унинг шахсини, муқаддам судланмаганлигини, оилавий ва моддий аҳволини, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, айб шакли ва даражасини, жиноят содир этилиш пайтидаги ва содир этилганидан кейинги ижобий хулқ-атворини, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблашни, ЖКнинг 56-моддасида кўрсатилган жазони оғирлаштирувчи ҳолат мавжуд эмас деб ҳисоблаб, етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлигини инобатга олиб, айбли деб топилган модда санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни ва унга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилишни, тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини жазо ижросини амалга оширувчи органлар белгилаб берадиган жойларда



ўтатишни, жазони ўташ муддатини маҳқум жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблашни, жазонинг ижросини доимий яшаш жойидаги ички ишлар бўлими Пробация гуруҳи зиммасига юклатишни лозим топади.

Шунингдек, суд келгусида судланувчилар томонидан жиноят ёки ҳуқуқбузарлик содир этилишини олдини олиш мақсадида, судланувчи Х.Йўлдошев ва Ш.Бабажановларга ЖКнинг 46-моддаси 4-қисми талабларини тушунтиришни;

- суд жиноят иши бўйича етказилган зарарларни тўлиқ қопланганлигини ва фуқаровий даъвогарни судланувчига нисбатан даъвоси йўқлигини инобатга олишни лозим топади.

Суд, жиноят иши бўйича манфаатдор томонга етказилган зарарларни ундириш масаласини муҳокама қилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2016 йил 27 декабрдаги “Жиноят натижасида етказилган мулкӣ зиённи қоплашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 26-сонли Қарори талабларига асосан жиноят натижасида етказилган зарарни қоплаш мақсадида, Хоразм вилоят ИИБнинг “Ипотека-банк” АТИБ Хоразм вилоят филиалидаги депозит ҳисоб рақамига топширилган жами 82.700.000 (саксон икки миллион етти юз минг) сўмдан 80.400.000 (саксон миллион тўрт юз минг) сўм пул маблағлари фуқаровий даъвогар Худайберганова Каромат Қурбонбаевна фойдасига ундиришни ҳамда қолган 2.300.000 (икки миллион уч юз минг) сўм пул маблағларини Йўлдошев Хурматжон Шухрат ўғлига қайтариб беришни лозим топади.

Суд, жиноят иши бўйича олинган ашёвий далилларнинг кейинги тақдирини муҳокама қилиб, Олий суд Пленумининг 2012 йил 13 декабрдаги “Жиноят ишлари бўйича ашёвий далилларга оид қонунчиликни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 17-сонли Қарорининг талабларига асосланган ҳолда, ашёвий далил деб эътироф этилган уч дона диск жиноят ишига қўшиб сақланаётганлиги инобатга олишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 454-457, 460, 462-463, 465-468, 471 - 473-моддаларига амал қилиб, суд

ҳ у к м қ и л д и:

Судланувчи Йўлдошев Хурматжон Шухрат ўғли (Yo`ldoshev Xurmatjon Shuxrat o`g`li) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилсин.

Йўлдошев Хурматжон Шухрат ўғлига Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а” банди билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддаси тартибида, судланувчи Х.Йўлдошевни 2025 йил 9 декабрь кунидан 2025 йил 11 декабрь кунинг дастлабки терговда ушлаб турилган ва қамоқда сақланган жами 3 куннинг



хар бир куни уч кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосига тенглаштирилиб, тайинланган жазодан чегириб, узил-кесил ўташ учун иш ҳақининг 20 фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил 11 (ўн бир) ой 21 (йигирма бир) кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ҳукм ижросини назорат қилувчи органлар томонидан белгиланган жойларда ўтатилсин ва жазони ўташ муддати Х.Йўлдошев ишга тушган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазонинг ижросини назорат қилишлик Ҳазорасп туман ички ишлар органлари Пробаця гуруҳи зиммасига юклатилсин ва унга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 46-моддаси 4-қисми талаблари тушунтирилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач, Х.Йўлдошевга нисбатан қўлланилган “гаров” эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва “гаров” эҳтиёт чораси учун 2025 йил 11 декабрь куни Хоразм вилоят ИИБнинг банкдаги депозит ҳисоб рақамига ўтказилган 10.000.000 сўм пул гаровга кўювчи Йўлдошев Хурматжон Шухрат ўғлига қайтарилсин.

Судланувчи Бабажанов Шухрат Йўлдашевич (Babajanov Shuxrat Yo'ldashevich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилсин.

Бабажанов Шухрат Йўлдашевичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а” банди билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ҳукм ижросини назорат қилувчи органлар томонидан белгиланган жойларда ўтатилсин ва жазони ўташ муддати Ш.Бабажанов ишга тушган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазонинг ижросини назорат қилишлик Ҳазорасп туман ички ишлар органлари Пробаця гуруҳи зиммасига юклатилсин ва унга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 46-моддаси 4-қисми талаблари тушунтирилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач, Ш.Бабажановга қўлланилган “Муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач, жиноят натижасида етказилган зарарни қоплаш мақсадида, Хоразм вилоят ИИБнинг “Ипотека-банк” АТИБ Хоразм вилоят филиалидаги депозит ҳисоб рақамига топширилган жами 82.700.000 (саксон икки миллион етти юз минг) сўмдан 80.400.000 (саксон миллион тўрт юз минг) сўм пул маблағлари фуқаровий даъвогар Худайберганова Каромат Қурбонбаевна фойдасига ундирилсин ҳамда қолган 2.300.000 (икки миллион уч юз минг) сўм пул маблағлари Йўлдошев Хурматжон Шухрат ўғлига қайтариб берилсин.

Жиноят натижасида етказилган мулкий зиён тўлиқ қопланганлиги ҳамда фуқаровий даъвогарни судланувчиларга нисбатан даъвоси йўқлиги инобатга олинсин.

Жиноят иши бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган уч дона диск жиноят ишига қўшиб сақланаётганлиги инобатга олинсин.



Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчилар ва фуқаровий даъвогар ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида шу суд орқали Хоразм вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг апелляция инстанциясига апелляция тартибида шикоят беришга, ҳукм қонуний кучга киргач эса кассация тартибида шикоят бериши ёки прокурор протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи судья

Х.Сапаев

